

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 8 октябрь Чоршанба. № 78 (14470)

**ЭЪТИРОФ**

1991 йилда собиқ Иттифокдош республикалар ичида фақат Ўзбекистонгина нефть ва нефть маҳсулотлари борасида мустақилликка эришгани ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу ниятни тезроқ амалга оширишни истagan Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ миллий корпорацияси биз билан Қоровулбозор корхонасини тайёр ҳолда топшириш учун шартнома имзолади. Бу бизнинг собиқ СССР ҳудудидagi илк шартномамиз эди. Натижаси кутганимиздан ҳам аъло бўлди: бошқа давлатларда камидан тўрт йилда куриладиган иншоотни биз Ўзбекистонда икки йилда куриб битказдик.

Пьер ВАЙС, Франциядаги "Текнип" компанияси президенти

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўйбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин.

Давлат бюджетини тасдиқлашда Миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминоти алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 29 август

## Тошкентда Буюк Британия маданияти кунлари

5 октябрь куни Тошкентда Буюк Британия маданияти фестивали бошланди.

Фестивал дастуридан жой олган илк тадбир пойтахтдаги Алишер Навоий номи опера ва балет Давлат академик театрининг майдонида бўлиб ўтди. Унда Буюк Британиянинг Кирослик ҳарбий оркестри гуруҳи ўз концерт дастурини намойиш этди.

Буюк Британия савдо ва саноат Департаменти ҳамда мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу фестивал дастуридан Британия компанияларининг савдо кўргазмаси, савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия Кенгашининг навбатдаги мажлиси, шунингдек, Англия меъморчилик буюмлари, кинофильмлари томошаси ва шу каби қатор бошқа қизиқарли тадбирлар ўрин олган.

Фестивал ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур тадбир Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги маданий ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, ҳам савдо-иқтисодий, ҳам маданий дастурлар асосида ўтказилган ушбу фестивал кенг омма учун мўлжалланган бўлиб, унда томошабинлар Буюк Британия тарихи ва маданияти, унинг бугунги кундаги ҳаёт тарзи, иқтисоди ҳақида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топишлари мумкин. Хусусан, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 7 октябрдан 10 октябрга қадар мунтазам давом этадиган савдо кўргазмаларида Британиянинг 28 компанияси ўз маҳсулотларини намойиш этади. Шунингдек, бу ерга ташриф буюрганлар қизиқарли концертлар, ранг-баранг кўргазма ҳамда Буюк Британиянинг ўтмиши ва бугунги ҳаётдан ҳикоя қилувчи кинофильмларни томоша қилиш имконига эга бўлади. Киросликнинг ҳарбий оркестри эса ҳафта мобайнида Тошкент кўчаларида турли томошалар кўрсатади.

12 октябрга қадар давом этадиган ушбу фестивал юртдошларимизга бугунги Буюк Британия билан яқиндан танишиш имконини беради. Бу эса мамлакатларимиз халқларининг бир-бирини чуқурроқ тушуниши учун муҳим аҳамият касб этиши табиий.

/ЎзА/

## Моддий манфаатдорлик - муваффақият гарови

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг шу йил 26-27 сентябр кунлари вилоятда бўлган чоғида учрашувларида ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди.

Кенгашни вилоят ҳокими О.Пармонов бошқарди. Кенгашда Президентимиз кўрсатиб ўтган барча масалалар юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар муҳокама этилди. Айниқса бу йилги пахта йиғим-теримини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил қашқадарёликлар 420 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш иштиқидида меҳнат қилмоқда. Далаларда шунга яраша ҳосил тўпланган. Эндиги вазифа уни қисқа фурсатда нобуд қилмай йиғштириб олишдан иборат. Ҳамма жойда мавжуд техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, Президентимиз таъкидлаганидек, теримчилар ва механизаторлар моддий манфаатдорлигини ошириш, улар учун зарур маданий-маиший шартнони яратиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Барча даражадаги раҳбарлар бу ишга бош-қош бўлишлари, юксак ташкилотчилик ва ташаббуслорлик кўрсатишлари лозим.

**А.ТАЙПАТОВ,**  
ЎзА мухбири

## ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВИ

Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат Университети маданият саройида 1-курс талабаларининг аънанавий учрашу кечаси бўлиб ўтди. Республика «Камолот» жамғармасининг университет жамоатчилиги маркази томонидан ташкил этилган ушбу учрашува олийгоҳнинг профессорлари, факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, халқ севган шоир Муҳаммад Юсуф иштирок этди.

1997-98 ўқув йилида Тошкент Давлат Университетидаги мавжуд 13 факультетга 1200 нафар талаба қабул қилинди. Бугунга келиб олийгоҳ талабалари жами 7000 нафарга етди.

Кечада сўзга чиққан олим ва шоирлар талабаларнинг келажакда аъло ўқишлари, мустакил ватанимизнинг маънавий баркамол фарзандлари бўлиб етишишига чакирлиди. Тадбир сўнггида жамоатчилик маркази қошида ташкил этилган «Шаввоалар» студияси ўзларининг куй-қўшиқлари, қизиқарли саҳна чиқишлари билан йирилганларни хушнуд этди.

**Н.ОЧИЛОВ,**  
ТошДУ толиби

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин. Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш - давлат бошқаруви, ҳуқуқий муҳофазат қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.
2. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъриий асосини Миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг Миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва тақлифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун маъмул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етуқ ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба ортиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 6 октябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Илова  
Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси ТАРКИБИ

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, раис  
Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президенти

## СОҲИБҚИРОН ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН ДИЁР

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 1996 йил соҳибқирон Амир Темур йили деб эълон қилинди. «Буюк ипак йўли»га жойлашган қадимий Шарқнинг дарвозаси бўлган азим шаҳар Тошкентнинг қок марказида Темурийлар тарихи давлат музейи биноси қад кўтарди.

Бу музейни бир йил ичида бир миллионга яқин одамлар келиб кўрди. Уларнинг орасида чет эллик сайёҳлар, меҳмонлар, давлат аробблари, турли элчихона вакиллари, ёзувчи ва олимлар, мамлакатларнинг бошлиқлари бор.

Президентимиз ташаббуси билан соҳибқирон синиган улуг зотлар бухоролик Боҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, хоразмлик Нажимиддин Кубро ва бошқа азиз авлиёларнинг қабрлари, хонақалари қайтадан таъмирланиб, уларга жило берилиб, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги кунларида халқимизнинг қадамжоларига айланди.

Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан «Темурийлар даврида Бухоро ва Хива» кўргазмаси тайёрланмоқда ва бу кўргазманинг очилишига барча шаҳримиз меҳмонлари ва ҳамшаҳарларимизни 17 октябр жума куни соат 10.00 га тақлиф қиламиз.

**М. ҲАМИДОВ,**  
Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими,  
**Л. ЙЎЛДОШЕВА,**  
илмий ходим



## Диққат, танлов

публикациямиздаги барча ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида шу йилнинг декабр ойидан 1998 йилнинг май ойигача ўтказилади. Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва

босқичда олиб борилади. Биринчи босқич юртимизнинг барча туман, шаҳарларидаги ўрта мактабларда 1997 йил декабрь-1998 йил январь ойларида бўлади. Иккинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда 1998 йил февраль-март ойларида, учинчи босқич республикамизнинг ҳудудий бўлинишига қараб олти минтақасида келаси йилнинг март-апрель ойларида ўтказилади. Республика бўйича якуний босқич эса 1998 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

**А. ЭШОНҚУЛОВ,**  
«Камолот» жамғармаси бошқаруви референти

## СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

қонунлар тарғиботи билан ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, жиноятчилик иллатини кескин қамайтириш ҳам кўрик-танловдан кўзланган мақсадлар сирасига қиради. Танлов рес-

публикациямиздаги барча ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида шу йилнинг декабр ойидан 1998 йилнинг май ойигача ўтказилади. Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва

*Ўқитибди ижодидан*

**УСТОЗЛАР**

Мақнаб — ҳайт қилвои,  
Қиёб — билми буюли  
Оскар ҳижокил ирмои  
Меҳри чинмои устозлар.

Зий соғур чл қўйи,  
Маллиқур чинга ҳар ёш  
Ҳар оракка эътир вахш  
Илмч урфои устозлар.

Жаннатдан илмч одоб,  
Устоз эрур зўр китоб,  
Маллиқига берсаи тоб  
Илми ҳақои устозлар.

Ҳар сўзи маъно бдиқ,  
Меҳридан ҳайт тўлиқ,  
Устоз номидир чинч,  
Қиёб замон устозлар.

У инсон ижодкори,  
Юрғида зўр сатйбори,  
Элмининг дастийри,  
Дорилмои устозлар.

Олар устоз қўлини,  
Маллиқ таълаб йўлини,  
Айтир диндан сўзини  
Бўйсини омон устозлар.

Тиркаш ЭШҚУВВАТОВ,  
Самарқанд вилоятидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси

**"Туркистон" муштарийлари диққатига!**

Муҳтарам муштарийлари! Республика-мизда нашр этилаётган барча газета ва журналларга 1998 йил учун обуна бошланганидан хабарингиз бор.

"Туркистон" — Республикада ягона ёшлар газетаси!

"Туркистон" — ишончли ҳамсуҳбатингиз!

"Туркистон"га обуна бўлишга шоян-линг, азиз ёшлар!

Ташкилотлар учун индекс-204;  
Якка тартибдаги обуначилар учун индекс-203.



Ўзбекистон қаҳрамонлари

БАХТ ЮЛДУЗИ СОҲИБАСИ

Хаётда омадли инсонлар кўп учрайди. Онесия ҳам омадли аёл...

Ўртанчаси Ўзбекистон Қаҳрамони бўлганини эшитиб жуда қувонди...

Эгилиб турган бир киши чиқди. Унинг ўзини йўқотиб қўйганини кўриб...

О.Сайтова камтарин инсон, малакали шифокор, юрт филолисингина эмас...

Хали гўдаклик чоғлари, кўш қирмизи уфқ ортга бекинишга улгурмаган пайт...

Ха, бугун нукусликлар ҳам, чимбойликлар ҳам, у келин бўлиб тушган Шуманай эди...

Онесия 1972 йилда Шуманай туманидаги жамоа ҳўжаликчилар беридаги қишлоқ касалхонасида иш бошлади...

Ҳа, Онесия опа чорак асрдан бундан ташқари мураккаб соҳаларидан бўлган акушерлик ва гинекология борасида самарали ишламоқда...

Сал-пал мазам қочиб қолди, қизалоғим. Иссиғим бор. Укол олай десам, касалхона узоқ...

Сен тезроқ улғайиб врач бўлайсангиз - гапни юмшатиб Сайит ота...

Ушундан кейин Шуманай эди, хуллас, бугун Қорақалпоғистон тўнғич қаҳрамонини қутламоқда, қувонмоқда...

Курбонбой Андижон пахтачилик институти талабаси эди. Хозирги кунда Қорақалпоғистон дон маҳсулотлар уюшмасининг етакчи мутахассисларидан бири...

Сайт ога уша кунни соғайиб кетди. Онесияга бахт юлдузи қуяиб боққаннинг иккинчи бир нишониси у ҳозир ҳам улғур бир давлат-волида мухтарамга эга эканлигинидир...

Онесия Андижон Давлат Тибобит институтининг ҳовлисида қириб бораётганида хил қимтинар, гуё ўзга сай-эрага бориб қолгандек эди. Ўпарасидан юзидан нур...

Вақт ҳам бетизгин дарёга ўшаёди. Мана Онесия опанинг шифокор сифатида иш бошлаганича чорак аср бўлибди. Шу давр мобайнида олдий шифокорликдан Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси лавозимига чабулган қийин, аммо шарафли йўлни босиб ўтди.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ, Туркистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири

Тақдир тақазосига сўз йўқ. Ҳеч қачон қўрмаган - билмаган, ноини эшитмаган кишилар билан рўпарча қилади. Худди шундай бўлди: ҳеч қутулмаганда мен, умримда сира қўрмаган-билмаган, эшитмаган кимса, умримда дахлдор бўлиб қолдим...

Хосият Тиллахонов деган аёл ҳақида эшитганман. Худди шу йилнинг октябр ойида республикамизда "Ўзбекистон хотин қизлари" журнали ташкил топиб, мен ҳам шу журнал редакциясига ишга таклиф этилганман. Журналнинг ташкилий ишлари жараёни давом этаётган кезлар республикамизда илгари ҳам "Янги йўл" номида аёллар журнали бўлганлигини, унга 1929-1934-йилларда Хосият Тиллахонова деган аёл муҳаррирлик қилганини эшитганман...



САЛИМХОН ТИЛЛАХОНОВ - КИМСИЗ?

Койийман энди ўзимни. "Сен қандай журналистсанки, улар ҳақида сўраб-суриштириб қолмабсан-а..." Аммо дунёга келган жонотки бор насиб этган ризқини бир-бир териб яшагани мисол, журналист керакли маълумотни йиллар давомида зарра-зарраб тўплаб, қалби тубига жойлашган ва охири вақти соати етиб бу маълумотлардан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш зарурати пайдо бўлганда, билганини ичига сиғдирилмай қозоғга тўкиб соларкан...

Шундай. Вақти соати етиш меннинг журналистик тақдиримда пелатог, журналист ва дипломат бўлиб хизмат қилган. 1930 йилда эса бедарак йўқолган отам Саид Аҳроридан дарак топиш ва уларнинг фожеали қисмати ни ўрганиш насиб эди. Шунда ҳужжатдоҳаги миллий истиқлолчилар устидан олиб борилган жиноий ишни ўрганиш жараёнида яна Салимхон Тиллахонов номига дуч келдим. Аслида жиноий ишнинг номи "Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар" деб номланган эди.

Ким у Салимхон Тиллахонов? Нега-нега бор ҳаёдан унда рўпарча келаман ва: "Кимсиз, Салимхон Тиллахонов?" дея савол бераман. Лекин жавоб йўқ. Бу саволга жавоб топиш ниҳоятда қийин. Зеро Мунавварқори Абдурашидов ҳам, Салимхон Тиллахонов ҳам аллақачонлар (олтинчи юлдуз йил муқаддас), дунёдан қўз юмишчан-тўғирисини айтганда совиқ совет ҳукумати-нинг РСФСР жиноят мажмуаси 58-моддасининг турли бандлари билан отувга ҳукм этилишига ва сўнгги топилма маълумотимга кўра, 1931 йилнинг 23 июнида ҳукм Москва шаҳрида ижро этилган ва худди шу кун Салимхон Тиллахонов Москвадаги Ваганков қаберистонига қўйилган. Аммо инсон чиний эмаски беиз йўқолса... Юқорида зикр этилган жиноий иш саҳифаларини аракласак, Салимхон Тиллахонов ҳаёти ва фаолиятига доир баъзи маълумотлар билан танишамиз. Шу маълумотларни ўрганарканман яққаш Сиз ҳақингизда ўйламан. Синзинг қандай инсон бўлганингизни тасаввур қилишга уриманан, Салимхон Тиллахонов. Сиз ҳақингизда ўйларканман: у офтоб чарақлаб турган ёруғ кун бўладики ёнқи бомбоддан сўнг тонг ёришаётган маҳалли, бетўхтов саволга тутаман Сизни: "Айтгинчи нега рўзгорингиз ва оилангизни тебратишга бир қорача қўшмайдиган, аксинча имконингиз қадар Сиз мадал бериб турган бу сермашақат ва таҳликали ҳаракат сафидан ўрин олдингиз? Эл қайғуси Сиз учун ўзингиз дунёга келтирган зурриёларингиз қизларингиз Гузълдан гузал, Ширинойданда ширин кўриндингиз? Ёнки, эл қайғусини қанчалар анчиққингизни юракдан ҳис этиб, эл-юртини бало-офатлардан халос этмоққа бел боғлагандингизми?"-дея ҳаёдан неча-неча мартабел мурожаат этаман Сизга ва саволларим жавобсиз қолади. Сўнг мен бу саволларимга жавобини яна ҳужжатлардан излай бошламан. Ҳа, шундай: Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва отам Саид Аҳрорий ҳамда қатор ватандошларимизни айбловга доир неча-неча жилд жиноий иш саҳифаларидан жавоб изайман.

Салимхон Тиллахонов босиб ўтган қисқа ҳаёт йўлини тиклаб қўриш ана шундай қийин кечди. Зеро, унинг бу оламдан қўз юмганига олтинчи юлдуз йил бўлган. Сўраб-суриштириладиган қатта ёшдаги қариндош-уруғлар, амаки хоҳалар ҳам дунёдан ўтиб кетишган. У ҳибса олинган чоғида икки қизалоғи: етти ёшда Гузъл ва тўрт ёшли Шириноий бағрига босганича фард чекиб қолган 28 ёшли рафиқаси Кароматой Шодмон қизи ҳам ҳаётдан қўз юмган...

Лекин ҳаётда ҳар қандай тўфон ва буронлардан сўнг ҳам табиат қайта тирилгани каби ўтгизинчи, ўтгиз етти-ўттиз саккизинчи, эллигинчи йиллардаги қама-қамалардан кейин ҳам ҳаёт давом этди... Менга Салимхон Тиллахоновнинг набираси Зилола Сулаймоновани топиш насиб эди. Мен унинг манзилҳўқини босибота доир иш саҳифалари орасидан топган эдим. Зилола Сулаймонова бобоси тақдир билан қизиқиб, тегишли илдорларга ёзган аризасини ўқигандим. "Мана нима учун инсон фарзанд қўришни орзу қиларкан?" деб ўйлагандим ўшанда. "Ўғилдор-қиздор фарзанд бўлгани яхши экан. Бобосини ҳеч қачон қўрмаган, у ҳақда фақат ақин-ийроқ қариндошларнинг сўзларидангина билган набираси - Зилола Сулаймонова бобосининг изини изалай-да охири. Ўзбек мана нима учун бўлган халқ Фарзандлар - юртимиз келажаги..." Шу йўлни суриштириб билдимки, Салимхон Тиллахоновнинг саккиз набираси бор экан - уларнинг бари турли соҳаларда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилётди...

қўпроқ ўқувчилар юбориш керак" мақоласидаги фикрлар унинг қанчалар элсевар инсон бўлганидан далоят беради. Салимхон Тиллахонов шундай ёзди: "1922 йил ўқиш мавсумида Тошкентда ташкил этилган "Кумак" уюшмасининг ташаббуси, Туркистон ҳукуматининг қўмаги, Бухоро жумҳуриятининг гайрати ва Шурулар Россияси соясида Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Германияга кетган эди. Мана шу ҳисобга қараганда 12 миллион нуфузга молик Туркистонимиздан 70 тагина талаба бўлиши ҳеч бир вақтда бизни қаноатлантирмайди. Ҳаракат қилиб келгуси йилларда Оврулонинг ҳар бир бурчагига минглаб талабалар юборишимиз керакдир. Бизнинг дўхтиримиз, адибимиз, муҳарриримиз, техникимиз, файласуфларимиз ва ҳоказо улғур кишиларимиз, йўлбошчиларимизни ўз ичимиздан чиқаришимиз лозимдир..."

Қанчалар аждоиб фикрлар. Салимхон Тиллахоновнинг қандай олам бўлганлигини шу фикрларнинг ўзидек кўрсатиб туради. "Юртим деб, элим деб дили кўнган, ёниб яшаган одам бўлган экан-да, Салимхон Тиллахонов..."- деган фикр кечди дилдан. Аммо ўша ўтгизинчи йиллардаги Давлат Сийсий Бошқармаси бундай фикрламоқда. Улар ўқовида Салимхон Тиллахонов ҳам бу билан олдими кейин ҳибса олинган Туркистон фарзандларининг бари - халқ душмани бўлган. Шу сабаб ҳам улар қаттиқ сиқувга олинган. 1930 йил апрель ойи бошида Салимхон Тиллахонов устидан тергов бошлайдилар.

Салимхон Тиллахонов миллий ташкилотларга аъзо бўлиши 1917 йилнинг охири ва 1918 йилларга тўғри келгани ҳақида сўзлаб, эндигина Боқудан қайтиб келганини, Абдуваҳоб Муродий ва Қайом Рамазон билан Боқуда ўқиганини айтиди. Ундан яширин ташкилотлар ҳақида сўзлаб бериш талаб этилган бўлса керакки, терговлаги жавоблари биз билмаган чегаги тарихимизга дарча очади. Терговни "Муссаеват", "Миллий иттиҳод", "Иттиҳодий тараққий", "Миллий истиқлол" уюшмаларининг нима сабабдан пайдо бўлганлиги қизиқтирилади ва Салимхон Тиллахонов ўз жавобидан шу уюшмаларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида тўхталади.

Миллий иттиҳод" ҳақида сўзлар экан у, бунинг яширин уюшма экани, олдида қўйган мақсади - миллий мустақилликка эришиш йўлида курашмоқ ва охир оқибатда турк халқларининг бошини бириктириш эканини, сўзлайди. Худди шу кунни такрор ўтказилган терговда Салимхон Тиллахоновдан "Миллий истиқлол"нинг Тошкент бўлими ҳақида суриштирилди. Унинг жавобидан биламизки, Салимхон Тиллахонов, Лазиз Азизов ва Ғофуржон Мусахоновдан иборат учлик ташкил этилиб, улар Тошкент гуруҳи раҳбари деб белгиланган ва Мунавварқори тақлифи билан бу гуруҳга эски аъзолар эмас, ёшлар қабул қилинган.

Улар Давлат Сийсий Бошқармаси таъйинқидан қўриқиб шу йўлни тутганлар. Негаки Сийсий Бошқарма эски аъзоларни танганин, номма-ном билган. Маълум бўлишича, миллий истиқлолчиларнинг мустақил давлат туза олишларига ишончлари катта бўлган. Истиқлол қишанини парчалаб мустақилликка эришган давлатлар: Сербия, Болгария ва Финляндиядан андоза олмоқчи қўлағандилар. Терговни члик фаолияти қизиқтирган чоғи Салимхон Тиллахонов жавобидан, ўзи, Ғофуржон Мусахонов ва Лазиз Азизовдан иборат учлик раҳбариятининг вазифаси маълум голарни олға суришдан иборат бўлганини айтиди...

Шу савол-жавоблардан маълум бўладики, истиқлолчилар мустақилликка эришиш учун яширин кураш олиб борганлар, халқин истибдолга қарши курашга чорламоқ вақти этганини, бунинг учун аввал кенг меҳнатқаш оммани уйқудан уйғотмоқ зарур деб билганлар. Буни истиқлолчилар йўлбошчиси Мунавварқори Абдурашидов яхши анлаган ва шунинг учун ҳам "Миллий иттиҳод" - яъни миллий бирлаштириш олдчиларига қўйган асосий вазифани амалга оширишга, яъни мустақилликка эришгангизга амалга оширишга иштирок этишга, 1927 йилларга яқин уюшма номида "Миллий истиқлол" деб ўзгартиришни тақлиф этган. Демак дастлабки вазифа, аввало, миллий истиқлолга эришмоқ йўлидаги кураш, деб англамоқ зарур эди. Бундан бун ҳам асосий вазифаларнинг бири миллийни уйқудан уйғотмоқ бўлиб, истиқлолчилар буни маънақининг - яъни миллиятнинг келажиги бўлган ёшлар орасида бошмоқ лозимлигини анлаган ва маънақинларга иш бошлаганлар. Шу сабабдан ҳам ўтгизинчи ва ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йиллар қатғонига минглаб муаллимлар ҳибсага олинди, узоқ ўқаларга беш-ўн йиллаб муддатга бағрага қилинди.

Салимхон Тиллахоновнинг терговдаги жавобидан бу уюшмаларнинг Октябр тўнтурасига қадар пайдо бўлишига чор ҳоқимиятининг мустақиллик сийбати ва совет даврида эса халқ ҳаёти борган сайин ёмонлашиб боргани, Туркистоннинг ҳам ашә базасига айлашиб бораётгани келтириб чиқарган норозиликлар сабаб бўлганини - бу уюшмалар миллиятни ҳимоя қилиш усули тарзида бунёд бўлганини ва шу йўлда ўзидан неча-неча баробар кучли тузумга қарши бош кўтарганини биламиз. Ҳужжатлар бунга гувоҳ.

Ҳужжатлар ана шундай гувоҳлик берадики, элига, юртига катта муҳаббат ҳўш урган экан Салимхон Тиллахоновнинг қалбида. Узи ҳам, қалби ҳам қиройли бу кимса юртини, юртдошларини эркини қўришни орулуган, орулуш билангина қифояланмаган, бунга эришишга йўл излаган. Қандай қилиб бўлса ҳам, аввал рус чоризми, сўнг совет истибдоли остида эзилган элини Мустақил давлат сифатида қўриш йўлларини излаганлардан бўлган экан. Шунга ўхшаш бир қатор гувоҳликлардан мана энди мен тасаввур қиламан Салимхон Тиллахоновнинг кимлигини. Салимхон Тиллахонов элим деб, юртим деб ёниб яшаган, хуррият йўлида жонини фидо қилган миллиятпарвар инсон. Биз мустақилликда яшаётган ҳозирги кунимизни яқинлаштириш учун ширин жонидан кечган поқломон инсон. Уйлайманки, эндиликда биз юртимизнинг мустақиллиги учун курашган миллиятпарвар отаюртимиз руҳини шод этмоқ йўлида фидоийлик намунасини кўрсатмоғимиз керак.

Яқинда мен хоҳонгашта севимли адибимиз Чингиз Айтматовнинг юртимизда олиб борилаётган улкан қурилишлар ҳақида қувониб, ифтихор билан сўзлаганини ўқидим. У ўз сўзида Ўзбекистонда қилинаётган ишлар бугун ёки эртани уйлаб эмас, балки келажакни уйлаб қилинаётганини, Ўзбекистондаги каби беқийс қурилишни ҳеч қерда қўрмаганини эътироф қилади. Дунёнинг ишлари гаройиб экан, одамнинг ёмон отлиг бўлиши қанчалар осону, лекин унинг пок номини тиклаш-оқлаш учун эса йиллар керак бўларкан. Салимхон Тиллахоновнинг пок номини тиклаш учун орадан олтинчи йил вақт ўтгизи керак бўлди.

Аллоҳга бевадал шукр: ҳақиқат букилади, лекин синмайди. Салимхон Тиллахонов ва уларнинг маслакдошлари кутпан кунларга етдик - Истиқлолга эришдик. Мустақиллигимиз олти ёшга тўлди. Ўзбек диёри, унинг фарзандлари мўъжизалар кўрсатаётди, ёшларнинг барқамол бўлиб етишишлари учун шароитлар яратилаётди. Иношоллоқ юртимиз биз орзу қилган буюк мамлакатга айланади. Энди олдимида турган асосий вазифа - Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш. Демак, ота-боболаримизнинг оруумиди бўлган хуррият байрогини баланд кўтармоқдир.

Хилода АҲРОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ДАДИА ҚАДАМ

"Ўзэлектроаппарат" ҳиссдорлик жамияти республикамизда кўзга қўрилган ийрик корхоналардан бири ҳисобланади. У халқ ҳўжалиғига етакчи ўринни тутган ҳолда мамлакатимиз учун керакли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Унинг ишлаб чиқарган буюмларидан энгил ва оғир саноат корхоналарида фойдаланилмоқда. Агар корхонанинг яқин ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, "Ўзэлектроаппарат" ўзига тенглош корхоналар ичида энг қоқоқ ва иқтисодий аҳволи ночор ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлганлигини кўрамиз. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ундаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда илгорлар қаторига олиб ўтишга анчайин изланишга тўғри келди.


Ҳаммамизга маълумки, жорий этилаётган янги ишлаб чиқариш муносабатлари, яъни бозор иқтисодиёти тўла илмий асосларда меҳнат қилишни, хоржий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этади. Жаҳон андозаларига мос ва хос бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши, соддароқ қилиб айтганда, бозор

Иқтисодий ислоҳот йўлидан

кўтаридиган харидорғир моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши натижасидангина иқтисодий таназзулдан чиқиб олдиқ. Қолоқликдан илгорликка ўтдик. Қисқа мудат ичидаги илжобий ўзгаришлар натижасида жамоанинг фаолияти ҳам сезиларли қадамлар ташланди. Моддий манфаатдорлик ошди, таъминот кучайди. Маҳсулот турлари қўлайрилиб, сифатида янглик вужудга келди. Энг муҳими, корхона ўзининг доимий мижозларига эга бўлди. Бу эса "Ўзэлектроаппарат"нинг иқтисодий ислохотларига дастлабки ютуқларидандир.

Ҳиссдорлик жамиятининг маркетинг хизмати ютуқларни қўлга киритишга қўл келди. Ишончли шериклар билан ҳамкорликда узоқ муддатли шартномалар тузилган ҳолда ишлаб чиқариш қўламини ўсди. Илгари фақат четдан олиб келинаётган маҳсулотлар энди ўзимизда тўла равишда ишлаб чиқарилиб, ундан келаятган фойда жамоамиз меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлигини оширишга, халқимизнинг кундалик эҳтиёжини таъминлашга хизмат этмоқда.

Ҳиссдорлик жамиятимизнинг қўшма корхона фаолиятини



Цехда иш вақти

лиятини йўлга қўйиши, қолаверса ўзга корхоналар, хоржий мамлакатлар сармоядорлари билан ҳамкорлиги купгина янгиликларини олиб келди. Бугунги кунда "Ўзэлектроаппарат" "Физика -- Кўш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда "Подъёмник" ҳиссдорлик жамияти билан биргаликда тузган лойиҳа асосидаги қийин эрийдиган сақлагичларни ишлаб чиқаришни қўзда тутган. Илгари лойиҳалар четдан сотиб олинган бўлса, эндиликда ўз олимларимиз билан ҳамкорлигимиз ҳар



Завод ходимлари Э.Мирсаидов ҳамда В.Боженов

ҳижатдан тараққийтишимизга хизмат этаётди. "Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Уралдаги Лисьвенский металлургия заводи билан ҳамкорлиги ҳам тахсинга сазовордир. Е.Ерофеев раҳбарлик қилаётган мазкур заводдаги "Элга" кичик корхонаси Россия томонидан муассис бўлиб, "Элга -- Азия" қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу қўшма корхона янги электр плиталарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Биз бугунга келиб нафақат ишлаб чиқаришни, аини пайтда ишчиларимизнинг моддий турмуш даражасини юксалтиришга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Ишчилар билан кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб қўйганмиз. Маданий-маиший тармоқларимиз улар учун доимо хизматда. Бу эса бирлашма фаолиятини қучайтиришга ёрдам бермоқда. Хулоса қилиб айтганда, кечгаи қолоқликдан илгорлар сифати ўлиб олган "Ўзэлектроаппарат" келажак учун хизмат қилмоқда. Иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида дадил қадам ташлаб бормоқда.

А.АЛИМБОВ, корхона Бош директори



Корхонанинг бўлажак театр биноси



Корхона раҳбари А.Алимов



"1996 йилнинг энг яхши журналисти" танловининг ғолиби, "Шухрат" медали соҳибаси Гулчехра Жамиллованинг номи газетхонларга жуда яхши таниш. Жонкуяр журналисти "Туркистон" газетаси сакхи-фаларида ўзининг бир-бирдан долзарб ва мароқли мақоалари билан қатнашиб келмоқда.

АСОСИЙ ГАПДАН АВВАЛ. Улар боланикдан дўст эдилар. Шу дўстлик бора-бора муҳаббатга айланди. Севгилари ўзлари билан бирга улгайдилар. Бошқалар да бундан хабар топдилар. Бироқ, ота-оналари...
-- Кўзинга қараб юргин, -- дейишди қизга. -- Улар тенгимиз эмас!
-- Баланд дорга осилма, -- дейишди йигитга ҳам. -- Ўзга қизни десанг майли, розимиз...
Эшлар эса шу қадар масрур эдиларки, юракларига муҳаббатдан ўзга ҳеч нарса сирмасди. Сўнг, аҳвол мушкуллашди. Қизни уйга қамалдилар. Йигитга дунё тор бўлди. Юз бир хатти-ҳаракат бесамак кетди. Шунда йигит ўзга томонларга бош олиб кетмоқ бўлиб, қизга мактубча қиритди: "Сўнгги марта учрашайлик..."
Бироқ, эртасига... Қишлоқликлар даланнинг қоқ ўртасидаги шийпондан қиз ва йигитнинг жасадини топдилар. Севишганлар бир-бирларининг бўйига сиртмоқ солаётти, тириклик дунёсига шундай бир хат қолдиришди: "Бизни энди ҳеч ким ажрата олмайди!"
-- Воқеа хув анави шийпонда юз берганди, -- дейишди менга.
Ўзоқдан қорайиб турган ғариб бинога қараб кўнглим чўкди. Агар бу шийпоннинг тили бўлганда эди, ошпақларнинг видолашув онларидеги ҳолатини аниқ айтиб берамиди. Умуман, уша ҳолатни сўз билан тасвирлаб бўлармикин, ўзи? Қандай ҳолат эди, у? Чин

Журнал почтасига бир йигитнинг шундай мазмунда мактуб келибди: "Нима учун бизда сева ҳақида аниқ китоблар йўқ? Нега шифокорларимизнинг бу туғру хусусидаги фикрларини ўқимаймиз? Севги қолган киши нималарни ҳис этади? Қалби, юраги, бадани, бош миеси-чи?"
Анчайин солда ва бирмунча кулгули кўринган бу савол асдида мураккаб жумбоқни кўндаланг кўндилди. Шу топда биз каттагина йигин ўқийдиган, юзаб олимлардан "Севги нима?" деб сўрасак, аминимизки, ҳеч бири аниқ ифодалаб бера олмайди. Чунки, муҳаббат ҳар қалба ўзига хос рангад, ўзига хос оҳангда дунёга келади.
Олти аср муқаддам италиялик ёш йигит Франческо Петрарка дард ва ҳаяжон билан ўзидан ўзи шундай сўраган экан: "Наҳотки, қалб севага оташида қоврилса? Севги-ку, бу ахир! Лекин унинг қийноқлари, ё олло! Шундай шафқатсиз оташки! Бу азобларнинг ширинлиги-чи?"
Севги уқубатлари ва илохий кучи қаҳда қанчалар қанча ёзувлар битилган... Севги буладикки, шиддатли, жон олгувчи. Севги буладикки, бозор, кеңирувчан. Севги буладикки, яшинок куйдирувчан. Шундай севадан борки, жасоратга улгайдилар. Шундай севадан, сотқинлик қарғига итарилди!
-- Нима учун фақат ушани дейсиз? Бошқасини, ундан ҳам яхшироғини, чиройлироғини топшиш мумкин эмасми?
Жаҳидатан ҳам, нима учун?
"Муҳаббатнинг кўзи кўр" диги билан севаги худоси Амурнинг кўзи боғлиқ ҳолда тасвирланишида нақалар ўқшайлик бор!

# СЕВГИ

# НИМИ А?

Киз йигитни севаб қолди. Дугоналари ҳаяжонланиб шивирлайди: "Чиройли, ақли, келишган, худас ақойиб, бунақаси бўлмаган!" Дугоналари эса йигитни кўриб, "Нимасини ёқтиради?" деб ҳайрон бўлишади. Балки бу идеаллаштириш эмасдир?! Тақдиротчилар севаининг ҳалдан зийд сезгилигини ҳам пайқайдилар. Севган киши маъбулидаги бошқалар пайқаманга фазилатларни кўради. Пушкин ва Наталья Гончаровани эслаг. Кўпчилик Наталья Гончаровани гўзалликдан бошқа ҳеч бир хусусияти йўқ деб ҳисоблашган. Бир юз элик йилдан бери адабиётшунос ва тарихчилар Гончарованинг ҳаётини кунба-кун ўрганиб шуни тушунидиларки, у меҳрибон, камтарин ва ўта назокатли аёл бўлган экан. Шоир унинг бу фазилатларини ботинан фаҳмлаб, "Сенинг қалбингни севаман" деган эди.
Хар қалай "юрак, тана, мия" хусусида нима

# ААДАР ЭКАН ЈОХО КЎНГЎЛ ХАМ...

муҳаббатми? Ёки ҳаётга енгилтаклик ҳиссими? Еҳуд ота-оналаридан ўч олиш истагимиз? Қандай?
Мана шуниси жумбоқ...

Дунё пайдо бўлибдики, муҳаббат бор... Айтишларича, минг-минг йиллар илгари Ер юзидаги ягона Одам самовий кўчлар томонидан қоқ иккига бўлиб ташланган. Шундан сўнг дунёда келган Эрак ва Аёл наслари ҳақон ўз "ярми" ни ахтариб юришаркан. Топганлар бахтларидан масрур, топмаганлар эса ғам-ташвиш ира уир кеңиришаркан. Ровийлар бун муҳаббат тарихи деб атайдилар. Қиз бола остона ҳатлаб кўчага чиқарилмай, фақат тўрт девор орасида вояга етган ва тақдирлошнинг чимилдиқлигига қўрган замонларда ҳам муҳаббат бор эди. Икки ёш янгалар томонидан юз қуриштирилиб, сўнг дарров тўй бошлаб юборилган йилларда ҳам бор эди муҳаббат. У ҳар кўнгилда ниҳон, кўзларда яширин, оҳ-воҳиш, вазину сўзсиз эди. Кейин, севаги тилларга кўчди, хотибларга кўчди. Сирлиги қолмади. Севги йўқолди, қадри пастанди. Ҳам ошқора, ҳам курксиз... Айримлар шу "замонавий" муҳаббатни оқлади. Кимлардир қадимий муҳаббатни ёқлади, соғинди. Муҳаббат ҳар даврда ҳам муҳаббатлигича қолди, жонни ўртаб, юракни забт этаверди. Бировга лаззат, бировга ҳасрат берди. Бировга бахт бўлди, бировга армон...

бундай ҳолатда кўрмаганим учунми, анча вақт энамдан кўз узоқлига қолганим, ёдимда. Гарчи, иккалови бир умрга яшаб, катта давраларда бирга ўтиришмаган, эл ичида қўл ушлашиб юришмаган, бир-бирига ёркин-ёркин сўзларни айтишмаган бўлсада, ич-ичидан бир-бирларига мафтун бўлгани, интилгани, меҳр-иззат кўрсатгани ва бу ботин туйғуланинг номи муҳаббат эканини мен йиллар ўтиб англаганман.

... Яқинда қишлоқдаги никоҳ тўйида қатнашдим. Базм ўртасида кўевнинг жураларидан бирига сўз берилди. Шунда у йигит бошқаларек тантанавор нутқ сўзлаб ўтирмади, балки дил истақларини олдий сўзларда баён этди. Сўзи охирида шундай деди:
-- Кексаларимиз айтангадй, турмушининг пасту баланд сўкмоқлари кўп. Истардимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам муҳаббатингизни оёқ ости қилманг. То бутунгача бўлган туйғуларингизни омон асранг, шу туйғуларга суяниб яшанг...
Уша йигитнинг гаплари анча вақтгача ҳаёлимдан кетмади. Ахир, никоҳгача кетган ҳис-туйғуларини сақлаб қолиш мушкул. Баъзан ҳаёт машаққатлари жами ҳиссеёлларни юракдан сиқиб чиқаради. Асплда-чи, асплда жуда қаттиқ назиятда ҳам, ениб чўкмоқ учун севадан азўроқ ва зарўроқ куч-қурат йўқлигини бугунги ёшларини тушуноётганимиз! Ҳўфлик бахти, оила саодати ҳам сева билан уланишиими-чи! Ажрим истаб келган ва суд маҳкамасида ўтириб бир-бирига маломат тошларини отатган келин-куёвларни билраштирган қандай туйғу эди, асплда? Муҳаббатми? У ҳолда нега севагилари бунчалар тез барҳам топди? Нега? Кўнгил билан севаган маъқулим ё ақл билан? Турмушининг кураш саҳнасида қай бири ғолиб чиқади? Шу ҳақда ўйлаганмисиз? Рўҳшуносларнинг таъкидлашича, кўнглиг кунда олтимиш

мартагача ўзариб тураркан! Улар "ақл севагиси барқарордир" дея эътироф этадилар. Қайсидир йили ёшлар даврасида бўлган чоғларингизда бир суҳбатни хотирлайман. "Менинг бу беқарор кўнглимга "меҳмон" бўлган қизларни санасам, санокдан алашаман, -- деди ўшанда охириги курсда ўқитган талаба йигит. -- Бешинчи курсга ўтганимча қанча қизлар билан "юрдим". Дунёда тенги йўқ бўлиб кўринган қиз бирор ҳафта ўтиб, негалир ёқмай қоларди, сўнг бошқасини топардим. Ҳамкуреларим "сен енгилтаксан" дея мени четлаб қўйганларидан сўнггина кўзим "ярк" этиб очилди. Мен ўша қизларни фақат кўнгли билангина севаган эканман, опа. Кўнгли эса тоғида кишини алдар экан...

Оламдаги энг тўзал нарсалар севаги билан боғланганини биламиз. Маъшўқа қиз севагисини кутатганида суяниб тургани учун ҳам унинг юрак зарблари теракнинг баргларига ўтиб қолган, дейилади ривоятларда.
-- Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун" каби улуг сатрлар ўтмишдаёқ ёзилган. "Ошқларнинг қонидан ширин ўлд келади", -- дейди замонавий тиббиётчилар. "Муҳаббат инсонни гўзаллаштиради" деган сўзни эшитгансиз. Не бўлганда ҳам, ҳар биримиз улкан муҳаббатни кутиб ўшайлик.
... Узимизни муҳаббатдан излаб топайлик.
... Муҳаббатни ардоқлайлик!

Қадрли таҳририят! Севги изҳор қилиш йигитларга осон, деб ўйлашди. Бошқаларни билмайдими, мен анча пайтлардан буюн дилмагини бир қизга айтмай овораман. Хат ёзай десама, бирдангана рад этади, деб чўчийман. Учрашайлик дегим келадими, қишлоқчилик, у қизнинг шағнига озор этишдан кўркаман. Туни билан ўзимча ҳар хил режалар тўзсам, лекин тонг отиши биланоқ ҳаммаси пучга чиқади. Балки ўта жураътсиздирман...
Кунлар ўтиб кетяпти. У қизнинг ўзга хонадонга узатилишини ўйласам даҳшатга тушаман. Севгимни қай йўл билан билдирсам экан? Маслаҳат беринг...

нинг қизини гапириб қолди. "Севганим бор, деб кегаги совчиларни қайтарибди" деди. Шунда буюм: "Удим-куйдим дегани бу шайтоннинг иши. Қиз бола шайтонга ҳай бериб, ота-онаси кўрсатган кишига рози бўлавершиш керак" дедилар. Шу суҳбатдан сўнг кўп вақт ўйланиб юрдим. Севги бор нарсам ёки у чиндан ҳам "шайтоннинг иши"ми? Шун билгим келадди!"

"Саксон уч ёш буюм борлар. У кишини ҳаммамиз яхши кўраимиз. Кунига эрталаб дуоларини оламиз. Бир кун ҳаммамиз чой ичиб ўтирсак, онам кўшимиз-"



# МУҲАББАТНИНГ

"Менинг ёшим ўн олтида. Дугоналарим билан баъзан "Бизнинг ёшимизда севашиш мумкинми?" деб баҳслашиб қоламиз. Хар ким хар хил фикрни ўртага ташлайди. Бирови "Мумкин эмас, ўқилган чалғитиди" деса, бошқа бирови "Севгисиз ҳаёт -- бўшлиқ, мазмунсиздир" дейди. Менингча ҳам севаги кишини яхшиликларга ундайди. Лекин, менинг ёшимдагилар севаб қолса, у ҳақиқий севаги бўладими? Ёки муҳаббат ёш танилайдими? Ҳақиқий севаги қайси ёшда бўлади?"

"Харбий хизматда юрганимизда сафдош ўртоқларим ўзлари ёқтирган қизларга мактублар ёзарди. Мен ҳам уларга ҳавас қилиб бир кун қўшимизнинг қизига узундан-узоқ хат ёлдим. Кўп ўтмай хатимга жавоб келди. Мактубида менга ширин сўзларни айтибди, кўнглим кўтарилди. Шу шу икки-уч мартаба хат ёзишдик. Харбий хизматдан қайтганимдан сўнг бир кунги онам: Уелим, энди Гулноратга совчилка бораверилайликми?" деди. Кўшимизнинг қизининг номини эшитиб ҳайрон бўлдим. "Нега?" дедим. "Ахир хат ёганимиздан-ку, у сени қачондан буюн кутапти" деди онам. Шу кунги ўзимни қаттиқ қойидим. Ҳазил-ҳазил билан бир қизни умилвор қилиб қўйганимни ўйлаб виждоним қўнналди. Ахир, мен Гулнорани севамайманку... Энди қандай йўл тутсамикин?"

# МИНГ ЙИЛЛИК ҚЎШИҚ (Қатрлар)

Қиз уни ҳайлади. Қалби ишқ дардидан яраланган йигит севагисига сўнгги бор ичга ташлади, ортига қайтди. Ойлар ўтди. Қиз кўнглида муҳаббат чиройи ёнди. Бир вақтлар уни ҳайдаган йигит энди тушларига қира бошлади. Уни ҳар кун, ҳар сонияда кутди. Йигит қайтмади.
"Шу йўлдан борсанг, бахтингни учратасан" дейишди. У ёниқ севагиси ила ўзгалар кўрсатган йўлга бурилади. Эҳ... Орзулари сароб бўлиб чиқди. Катта йўл ўртасида ногаҳон тўхтаб қолди. Энди орта қайтишнинг ҳам, олда юришнинг ҳам ҳеч иложи йўқ. Уни аллақандилар.
Унга ўнлаб, юзаб қизларни кўрсатишди. Маъқул бўлмади. Ҳаммининг ҳафсаласи пир бўлди. Унга қўйиб беришди. Бир кунги... Еру дўстлари шу йигитнинг уйланаётганини эшитишди. Хар бири унинг қалбини ёқришга ошқиқилди: "Қанақа экан-а?"
Кўришсачи, унга рубару қилинган уша ўнлаб қизларга ўқшади. "Уш, бу қизнинг севаги нимаси ёқиб қолди?" дея ҳазил қилишди улар йигитнинг.
"Унга менинг кўзим билан қаранглар, у ниҳоятда гўзал!" -- деди йигит энтикиб.



"Сен бировнинг ёри бўлсанг, мен нечун кўнглиг қўйи", дейилади бир қўшиқчи. Уни батамом унутушта, ҳеч ўйла-масликча қарор қилдим. Лекин... Элай олмадим! Қайтанг севагим кундан-кунга кучаяётқолди... Узимга ўзимнинг кучим етмапти. Бошим қоғиб қолди. Бирор маслаҳат беринг..."

... Уйимиздагилар мени уйлантириш таралдудига тушиб қолишган. "Танлаганимг бўлса, айт" деб қисташди. Мен ҳали ҳеч бир қизга кўнгли бермаганимни айтдим. Кунига ота-онам, опаларим узоқ-яқин қизларнинг номларини битта-битта айтишди, "қайси бирига борайлик" деб сўрашди. Мен эса кимнидир қаттиқ севаб, сўнг уйлансам деб орзу қиламан. Ахир се-

# САРОЙ

виб-севаилоққа ҳаққим борку. "Уйланайми ё уйланайми" деган гапни ҳазилга олиб қулардик бир пайтлар. Энди эса, ўзим шу аҳволга тушиб қолдим..."

Лекин унинг менга муносабатини ҳеч билолмайман. Хат ёзай десама, қизлик журурим йўл қўймайди. Бу ёқда... Уйимизга совчилар қатнаб туришди. Ота-онам зийли кишилар, "танлаганим бор" десама тушунишади. Аммо, у йигит... Севгимни унга билдиришнинг бирор иложи борми?"

"Шу йил акамни уйлантирдик. Туй қиламан деб, ота-онам жуда қўнналиб кетишди. Келинга, қуларга, уларнинг узоқ-яқин қариндошларига саруно деб бозорма-бозор югурдишди. Ийқан жамғармалари етмай, эшитимиздаги молларни ҳам сотишди. Бир амалда тўйни ўтказиб олишди. Мен буларнинг ахлоқини кўриб, изтиробга тушдим. Ортиқча чимиларни ким ўйлаб чиқарган ўзи? Уйимиздагилар қайтадан йғиниб, яна бир туй ўтказишлари осон кечармиди?"

# КЕҲТ

"Агар инсон дардини кимгадир айтса, енгил тортади. Мен эса дардимни ҳеч кимга айтолмадим! Бошқаларнинг устидан қулишларини истамайман... Севгим келиб-келиб қўшимизга келин бўлиб тушди. Мен энди қишлоққа сирмай қолдим. Бошқа жойларга кетай десама, кеңжа фарзандман. Ота-онамнинг бор умиллари мендан. Наҳот, у қиз менинг туйғулримни оёқ ости қилди? Ахир -- севагимни билардику! Мен энди кимга ишонаман..."

Салом билан, ДИЛМУРОД, Фарғона.

САНОБАР, Зомин тумани.

НУРИЛЛО, Булунгур тумани.

Д.ЗОКИРОВ, Қомилчи.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мактубларни ўқидингиз. Кўнглингиздан нелар кечди? Унут изтироблар, мак муҳаббат туйғулари дил уйингизни бир зум қарогон этандир. Бир зумгина ўша кунларга қайтиб, бағлотнинг тоза ҳисларига рубару келгандирсиз. Нима бўганда ҳам муҳаббатнинг борлиги яхши. Ахир севагисиз тиаб бўларканми? Энди бир зум ўйланг. Агар мактуб эгаларининг ўрнида сиз бўлсангиз, нима қилардингиз? Қай йўлни тутсан бўлардингиз? Умуман, севаги ҳақида нималарни ўйлайсиз? Узингиз ҳам севаб, севагалингиз? Муҳаббат ҳаётингизда қандай из қолди? Маслаҳат, мулоҳаза ва тақлифларингизни кутиб қоламиз, муҳтарам газетхон. Саҳифа муаллифи Гулчехра ЖАМИЛОВА

Сафар БАҲНОЕВ

# БУХОРОНИНГ ҲАҚИДА 2500

**2500**

Бугун мен туғилиб ўсан еримни Бухорои шарифим деб янман. Бугун мен Бухорои-шарифим, маърифат, олимлар шаҳри деб атаяман.

Бугун мен Бухоро тупроғида Абдуллоҳлик Фихруллоҳий, Хужа Ориф Мохитий, Балоғардон Нақшбанд туғилган деб кўрагимга ураяман.

Бугун мен ҳадисчи бобом Имом Бухорий, дунёни титратган аллома Ибн Сино менинг боболарим деб мактанаяман.

Кечаги кунгача шу азиз номларни айтишга тилим йиланармиди. Очиги, билармиди. Дунёда ўзини таниш, ўзини таниш деган тушунчалар бор.

Бугун кўпчилик кечаги чопонини алмаштириб, доноликка ўтиб кетди. Мен боя айтганимдек, доноликка асло давъога эмасман. Фақат кўнглимдаги дардларимни айтмоқчиман, холос.

Менинг Бухором ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлапти. Бу гаплар кечагача тушимга кирмаганди.

Дардим эса куйидагилар:  
Олдиндан айтиб қўй. Мен қадимшунос эмасман. Қадимдаги Бухоро ҳақида билганларимни қозоғга тушуришга ҳаракат қиламан.

Унда мен ё иккинчи, ё учинчи синфда ўқир эдим. Синф раҳбаримиз бизни тўлалаб экскурсия (саёҳат)га олиб чиқди. Саёҳатимиз Регистон майдонидан бошланди.

— Бу ерда, деди синф раҳбаримиз, — амир яшаган замонда қатор дарлар қурилган. Бухоро жаллодлари одамларни ана шу дорга осган. Кундага куйиб бошини чопган. Амир эса ҳув анави жойда туриб, — у Арк тепасидаги тахтни кўрсатди. — Уша томошагоҳида ўтириб кузатган.

Биз болаларнинг муштак юрағида аллақандай қўрқув, нафрат уруғи экила бошлади. Сўнг ўқитувчимиз бизни Арк дарвозаси томон бошлади. Мусулмон гишт терилган йулак бўйлаб кўтарилиб борар эканмиз, муаллимимиз чап томондаги зах, қоронғу хужраларни кўрсатди. Бу хужраларга яқинлашар эканмиз, бирдан қўриқиб кетдик. Негаки, қўриқинчи бу хужралар ичида балбашара, соқоллари ўсиб кетган, жулдур кийимли, оёқ-қўлларига занжир, кишан, кунда солинган одамлар бизга тикилиб ўтирарди.

Рангимиз оқарганини кўрган муаллимимиз далда берди.

— Қўрқанглр, булар қотирилган одамлар. Бу хужралар қанахона. Атай азоб бериш учун улари мана шу ерга қамашган. Унг томонда, пастда обхона бор. Садриддин Айний ҳам қанахонада узоқ ётган.

Қўрқув ҳалдан ошаберди. Кўтарилиб Арк ҳовлисига кирдик. Хонама-хона юриб қурол-аслаҳа сақланган намоёнхонага кирдик. Қўрқувимиз устида осилиб турган катта қамчинга тушди.

— Мана бу, деди синф раҳбаримиз, — мен айтган Бухоро жаллодларининг қамчиси.

Қамчин бизнинг бўйимиздан баланд эди. Унинг яна бир даҳшати шунда эдики, яқинлашса, қўл билан ушласак, бошимизга тушиб кетадигандай ваҳимдан кўринарди.

Биз чулдурвоқилар бир-биримизнинг қўлимизни ушлаб, синф раҳбари айтганларига анграйиб, изидан юриб-миз.

Кейин амир, унинг аёллари, бола-чақаси кийган зар туңлар, қовушлар осилдиқ хоналарга кирдик. Регистондан бошланган ҳадик, қўрқув билан Арк дарвозасидан қандай қилиб чиқиб кетганимизни билмай қолдик. Бу ҳам етмагандек, синф раҳбари бизни амир зиндонни сари бошлади. Зиндон ичига энгашиб разм солдик. Бу ерда ҳам уч-тўртта қотирилган одам деворга тирилиб ўтирибди.

Қайтар эканмиз синф раҳбари қўшиб қўйди:  
— Кўрдингларми, ота-боболаримиз қандай қийноқларда яшаган. Сизлар эса бахтли замонда яшап-сизлар.

Биз шунга хурсанд эдик. Уша кунни уй-уйимизга тарқалгач ҳам елкамизга миниб олган ваҳима ерга тушмади. Рости биз бундай жойлардан нимагадир бирдан юз ўтирдик.

Бу болалик тасаввурим.  
Қишлоққа борсам урушда қатнашган қариндошимиз қизиқ воқеани айтиб берди.

— Бизни тўғри чегарадаги бир шаҳарга олиб бориб ташлади. Турган жойимиз қўрғоннинг ичи. Уч кунгача биздан ҳеч ким хабар олмади. Чикай десак қўрғоннинг эшиклари берк. Қўриқчилар айлануб юришибди. Ярим кеча, ўлсам шу ерда ўлай деб, пойлаб туриб қўрғон деворидан ўзимни пастга отдим. Сал оғим лат еди-ю, бошқа жойим бўтун. Оқсоқланиб дуч келган ҳовли эшигини қокдим. Анчадан кейин форсага ким деган овоз келди. Менам тожиқ тилини сал-пал билганим учун "очинг, мусофирман!" деб жавоб бердим. У эшикнинг бир табақасини очиб, қўйидаги шамчироқни юзимга тутди.

— Каерликсиз, бирорлар.  
— Бухорои шарифдан.

Уй эгаси энгашиб этагимдан ўпа бошлади. Шундай муқаллас жойдан келингизми?

У гилам тўшалган уйга олиб кирди. Дарров дастурхон ёзди. Чой, нон, овқат олиб келди. Мен бу ерга нега келиб қолганимни айтиб, овқатланшга тушдим. У тинглаш билан банд. Мен чайнаш билан. Оч одам тез туймас экан. Кетар чоғида уй эгаси катта бир туғунни қўлимга тутқазиб, тайинлади.

— Тез Бухорои шарифга қайтинг. Уни ёлғиз қолдирманг. Азиз авлиёлар руҳи қўлласин болам. Бухорои шарифга борсангиз Нақшбанд пириимизнинг тупроқларини кўзингизга суртинг.

Мен саводсиз қорним тўйганига, егулик олганимга хурсанд бўлиб қазармага қайтдим.

Қариндошим кўзига ёш олди.  
— Билсайизлар, Бухорои-шариф мени қўлади. Эсон-омон қайтдим. Биринчи қилган ишим, ўша одам айтган жойларни бориб зиёрат қилдим.

Урни келганда яна бир нарсани эслатиб қўйди. То етмишинчи йилларгача на олим, на бир ёзувчи бир жойда Бухорои-шариф деган сўзни ишлатмаганди. Ким ёзмасин, билгани кўҳна ва навқирон Бухоро бўлиб келди. Кўҳна дегани эски-да. Навқирон дегани қулоққа ёқиб тушарди. Кўнлардан бир кунни атоқли ёзувчимиз "Ўзбекистон маданияти" газетасида мақола ёзиб, Бухорои-шариф деган атамани ишлатди. Вой, шукру Бухорои шариф дебди деб, биров сўз, биров чўчиброқ гапиргани ҳозир эсимга тушди.

Орага сўз қўганим учун уэр. Сўхбатнинг давоми мана бундай келди.

Қариндошимиз сўзини тинглаб ўтирган чоллар бошини сарак-сарак қилди. Болта амаким кўзига ёш олди.

— Бухорои хор қилган динчиларга Худонинг атагани бордир.

— Кейин давом этди. — Самийиб, ўша хофирлар шаҳарни босяган кунни тонгага яқин туш қўрибман. Шу денг осмондаги юлдузлар битта қолмай қиблага қараб оқиб кетмаганди. Долаб ўримдан туриб кетдим. Қулоғимга гўмбур-гўмбур ўқ товуши эшитила бошлади. Кейин шаҳарни ташлаб одамлар қоча бошлади. Бизам уларга қўшилиб бош оққан томонга кетдик. Шаҳар уч кечаю уч кунда ёнди. Осмонни тутун қоплаб ётди.

Сами бобо дегани Болта амакимга тасалли ётди.

— Бу нарсалар амин ўзимизнинг бадииятигимиздан бошимизга тушди.

Ман тиррача бобонинг гапини келдим.

— Бобожон, ўзи Бухорода ямон одам кўп бўлган экан-да.

— Сайра, сабатти бачаси, — жеркиб берди Сами бобо.

Сан маҳмадана кечагина тухумдан чиқиб, боболарингта пешхезлик қиласан-ми. Санларнинг мияларинг аллақачон заҳарланиб бўлди. Бўйинингта бир парча латтани бойлаб гўсолага ўхшаб матратиб юрганни санлар қаёқдан биласанлар. Ёдингда тут. Бухорои-шариф дунёдаги етти шарифнинг бири. Бу ерда юзлаб пошполар, амирлар ҳукм сурган. Каттақон давлат бўлган. Эҳ-ҳе, унинг тарихи узун.

Бухорои-шарифдан не-не авлиёлар, амбиёлар, донишмандлар ўтган. Бухоро бу— донолар шаҳри. Бу шаҳардан осмонга нур қўтарилиб туради. Азилар шаҳри бу.

Санлар нимани биласизлар. Шундай нақл бор. Бухородан чиққан мушук томба-том Хоразмга етган деган. Сами бобо Болта амакимга юзланди.

— Сиз ҳам эшитгансиз амин. Ҳар бир қишлоқнинг ўз мачити бормиди. Бор эди. Ҳўш, қани ўша мачитлар, о бў шўро мачитимизни ёқди. Мадрасаларимизни оморхона, ахлатхонага айлантирди. Қоп-қоп китобларни ўзимизга ёқтирди, мазорларга қумдирди. О, яна нимасини айтмай.

Синф раҳбаримиз айтган гаплар қаёқда, чолларнинг гапи қаёқда. Пешхезлик қилмай, улларнинг ҳар бир сўзини жим тингладим. Эртаси кунни шаҳарга қайтдим. Эшитганларимни ўз кўзим билан кўргим келди.

Бекорчи пайтда мачиту мадрасалар эшигидан мўралайман, Мачити Калон ҳовлиси оморхона. Қўшмад-раса, Улуғбек мадрасаси, кўйинтки, мен билган мадрасалар хужраларида шақали, думалоқ дўпқили одамлар яшайди. Минорай Калон тепасида қизил ялов.

Кўнглимда Сами бобо айтган азизларни излайман.

деган сўз сидирилиб тушиб, унинг ўрнини қадимий деган ибора эгаллади.

Бухорои-шариф қадимий бўлмаса, дину ислом маркази бўлмаса, бутун мусулмон аҳли уни иккинчи Макка дермиди. Унга қадами етган кишини ярим ҳожи аташармиди.

— Хей, менинг болаликдаги тасаввурим. Агар Болта амаким, Сами бобом бугун тирик бўлганлариде, Бухорои-шариф осмонга қадимги юлдузлар келганини бир кўрганиде ҳозир қайси аҳволга тушарди. Бугун қадимги обидлар қосинларига жон кирди. Қадимги нақшу-нигорлар нурланди. Улар бекорга нурлангани йўқ. Уларнинг ҳар бир тошида Аллоҳнинг сўзлари битилган.

Утган аждолларимиз бир дақиқа кўз очганлариде албатта баббаравар қўлни дуога очиб, Муस्ताқиллимизни кўтлаб, юрт эгасини дуо қилармидилар.

Бухорои-шариф йигирма беш асрни яшаб қўйди. Мен ҳам қайта уйғондим. Элимга, юртдошларимга уйғонши муборак бўлсин.

Кувониб айтадиган гапим битта. Чиндан ҳам Бухоронинг ўн иккинчи, ҳақиқий дарвозаси бунёд этилди.

Бу— Муस्ताқиллик дарвозаси.

... Бир ўйлаб кўринг. Бухоро дунёга машҳурми, ёки унинг фарзандларими? Бутун дунёнинг тўрт бурчагида яшайдиган ўзбекларнинг ақсарияти ўзини мен Бухоримдан, дейди. Балки бу ота-бобоси туғилиб ўсан гўй хурмати, балки Имом Бухорий ҳурмати учундир. Аслида эса иккаласи ҳам битта.

Ҳадис илмининг отаси Имом Бухорийнинг бутун дунё мусулмон аҳли биланди. Яна ўша савол усулига ўтамит. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ Мадинада туғилганлар. Умрлариде Бухорога келмаганлар. Лекин у зотини айтган сўзларини пою пиёда кезиб, йиғиб мусулмон оламига тақдим этган ўзимизнинг юртдош эмасми.

Бухоро кўчалари оддий кўчалар эмас. Биз айтган салафлар ана шу кўчалардан юрган.

Етмишинчи йилларда қизиқ бир хабар тарқалди. Исмонил Самоний мақбарасини американик қайси бир бойвачча сотиб олганмиш. Бирор жойига шикаст етказмасдан кўчириб кетармиш. Бунга Москва рози бўлганмиш. Миш-мишда ҳам озгина ҳақиқат бор.


Нега бу миш-мишини дабурустлан эсладик. Чунки унда Бухоро Ўзбекистонники эмас, марказнинг мулки эди. Миллатимизнинг асл фарзандлари бошига етган зиндонбоши-марказ, қадимий обидларимиз бошига аста-секин сув қуйиш пайига тушганди.

Тасаввур қилинг, минглаб сайёҳлар Бухорога келар. Уларнинг чўнтагини марказ қоқиб олиб, биз томонларга жунатар. Изаганром биздан бизга, жомадон кўтар бизга қолар. Аммо Бухоронинг (фақат Бухоро эмас) қадимий гишталари нураб борар. Ҳолидан бирор кимса хабар олмас.

Бу гапларни ҳозир биз эртақдай қабул қилаямиз. Ҳали бу ҳақда талай эртақлар тўқиймиз.

Бухоро фақат донишмандлар Ватани эмас, унинг номини машҳур қилган яна бир улғу зот бор. У Насриддин Афандидир.

Тасаввур қилиб кўринг, Насриддин Афандига ўхшаш бу дунёда топилиши қийин. Мана бугун ул зот ҳам Лаби Ҳовуз бўйида эшагига миниб олиб, қулмаганга табасум билан қараб турибди. Афандимиз ҳам асримиз бошида Бухорудан қувилгани ҳеч кимга сир эмас.



**БУХОРО**  
Асрлардан келар бир садо  
Жангта кирдик  
Толмадик аммо.  
Хонсиз қолдик,  
Подшосиз қолдик,  
Бухоросиз қолмадик, аммо,  
Аммо билгин, тупроғи оғир  
Бухорои Шарифнинг, болам,  
Бухоронинг дарди ҳам оғир.  
Тўшунмайсан, бўлмасанг дардманд.  
Уни шундай яратган Қодир,  
Минораси қоматдор гарчанд,  
Қоматдордир йингитлари ҳам,  
Мунглади мунглади яшар.  
Заминга шум қўйгач қадам,  
Сўнг бойлигин қилишгач ҳашар,  
Қолди зина  
Кетди хазина,  
Оқиқ қолди дарвозалари,  
Қулоқларда жаранглаб турар  
Ҳақом унинг овозалари.  
Ғиштин сотдик,  
Деворин сотдик,  
Сотилмадик аммо иймони.  
Муस्ताқиллик юлдузи билан  
Нурга тўлди унинг осмони.  
Бу на ҳасрат,  
Бу на аламдир.  
Утган кундан синиқ бир ҳолат  
Бир ҳолатки,  
Сунмаган гамдир.  
Боболарим руҳи саломат  
Асрлардан келар бир садо,  
Жангта кирдик,  
Толмадик аммо.  
Хонсиз қолдик,  
Подшосиз қолдик,  
Бухоросиз қолмадик аммо.

## Армон

Тун. Соқинлик. Юлдузли осмонга тикилганимча жим ётибман-у ҳаёллар гирдобиде фикрларим чир-чир айланади. Қалбим безовта, руҳим оғир. Ўзимни қалғитишга уринман, барбир бефойда. Болалгим кўз ўнгимдан нари кетмайди... Эсимда урқоқларим билан эрта тонгдан кун бутунча ўйнардик. Унга қайтган, онанинг иссиқ бағрида бир дам ҳаловат топганимнинг ўзи баридан минг чанлон лаззатли эди. На ҳўшбўй гул, на бошқа муаттарликка қўйсаб бўлмайдиган волидам ҳилдан энтиқиб-энтиқиб нафас олардим, бахтиёр эдим. Шундай бўлса-да қўёш чиқди, дегунча кўчага югурдим. Қардан билибман шод куларимганиматлигини, қалбим мурғаклигидаёқ армон уммонига фарқ қилувчи дардли йилларим яқинлигини...

# ДУЙДОР ҒАНИМАТИ

Уйқудан уйғонсам бошқа уйда ётибман.  
Ҳовлига чиқсам тумонат одам. Тўй десам барчанинг кўзиде ёш. Атрофдагилар ачиниш билан боқибдилар, менга. Қўлимдан етақлаб нариги уйга олиб киришди. Онам, онажонгимам... оқ матога ўраб қўйибди. Юзларим силалдим, майин. Ҳар доим эрка-лағувчи қўлларини ушлаганим, сесканиб кетдим: совуқ, жонсиз. Барига ўзимни отмоқчи эдим, кимдир ажратиб олди. Кейин онамни қарғайлар олиб кетишди.  
Кўп кутдим, тонг қўтдим, тун қўтдим келмади. Фақат ўсиб, эсимни танганимдагина энди ҳеч қачон уни тополмаслигимга ақлим етди. Бироқ бунга асло ишонгим келмас, йўлларига ниторон қўзларим излашдан тўлмасди.

Ҳар кунни остонамдан онам кириб келаётгандай. Баъзида мени меҳрига зор айлаб кетган азиз кишини бағишлаб шеър битаман. Юрагимнинг қайноқ қони билан ёзилган байтларимга сасиз кўз югуртираман. Ҳаёлан онам билан суҳбатлашаман.

Мана, орадан йиллар ўтди. Мен улғайиб, ўша онажоним оруз қилганидек, олийгоҳ талабаси бўлдим.  
Гоҳида суҳбат орасида дўгонларим оналари ҳақида ҳаяжонланиб гапирганда бир энтиқиб, тўлғониб қўяман. Қалбимнинг ҳов ўша тўрига яширинган изирибларим бирдан қалқиб, юзага чиқади. Дод солгим келадди, лекин на чора!

Баъзан келинлик либосини қияётган дўгонларимни кўриб яна онамни эслайман. Менинг олдиндаги бахтли кўнларимни кўрмай кетганларидан афсусланаман. Уларни яқин кўралган анҳор бўйида ўтириб узоқ-узоқ ҳаёл сураман. Оёқ излари қолган йўлақларни топа олармиканман, деб кезаман.

Кўча-кўйда ўз юмуши билан шоваётган тенгдошларимни сўроққа тутгим келадди: тўхтанг, бутун меҳрибон онамнинг кўрдингизми? Сизни воёга етказгунча толиқиш нималигини билмагани қўлларини кўзингизга сурдингизми? Мунсингизни бир дақиқа унутманг, гафлатда бўлманг! Дийдорини ганимат билдинг. Тирикликни тарк этгач, қабини беэзадан кўра, ҳаётлигида дуосини олинг. Бу дуо Сизни бир умр қўллайди, келажатингизга ойдин йўл очад!

**Нилуфар ЖАМИЛОВА,**  
НамДУ журналистика бўлими толибаси

## ҚАҲҚАЛ ҚЎЗИ ОЧИЛДИ

Маълумки, илми киши доимо халқ орасида ҳурмат ва эътиборда бўлган. Чунки, илми кишилар бу дунёда ҳам, охирада улғу шарафларга ноил бўладилар. "Қуларингни юм, то кўнгли кўзи очилсин, зеро, кўнгли кўзи ила ўзга жаҳонни кўриб бўлади", дея бежизга айтишмаган доноларимиз.

Арабларда бир нақл бор: «Ешиқда олинган илм гўё тошга битилган нақш» қабилур. Шундай экан, илм олишга ёшлиқдан сай- ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир инсон ёшлик йилларини беҳуда совирмасдан келажакда ўзи ва халқи учун, халқ манфаати учун, бахт-саловати йўлида фойда бера оладиган билимини эгаллашга ҳаракат қилиши зарур.

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам билим ва хунарни ўрганиш учун Хитойчаллик узоқда бўлсада бориб ўрганиш, дея марҳамат қилдилар. Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч, ёлғиз дамларда сента йўлдош, бахтиёр дақиқаларда сента раҳбар, қайғули дамларда сента мадалкор, одамлар орасида зейб уйинат, душманларга қарши курашда сента қуролидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир эрқагу аёлга илм ўрганиш фарздир деганлар.

Мактабларда ва илм масканларида ўқитган фарзандларим! Ешлиқни ганимат билиб, илм-хунарни тўла эгаллашга ҳаракат қилинглр. Зеро, илми бўлсангиз келажакда халқ орасида ҳурмат ва обрўга эга бўласизлар. Улғу шoirимиз Навоий бобо ҳам марҳамат қилиб айтганлар-ку: "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам".

**АБДУФАТТОҲ ХОҶИ НАБИҲҲҲА ҒЪЛИ,**  
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

## БЕЛЛАШ

Шарқ яккакурашининг асосий турларида бири бўлган карате-до спортга ёшлар ўртасида бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Яқинда Андижон вилоятида болалар ва усмирлар ўртасида Андижон туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар жағфармаси туман бўлими ҳамда Андижон туман халқ ташлими бўлими ташаббус билан ўтказилган карате-до мусобақаси ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

16 ёшгача бўлган жасур болалар беллашуви тантанали равишда оқилган майдонда дастлаб унинг ёш иштирокчилари, 9 ёшгача бўлган қатнашчилар тақлиф этилди.

Мусобақанинг энг ёш иштирокчиси 6 ёшли Машҳур Ҳазратқулов майдонга тушганда ҳамма ҳайратда қолди. Унинг чақонлик билан ҳаракат қилиши, рақибига кетма-кет жабовсиз мушт туширишлари келгусида маҳоратли спортчи бўлиб етишишини кўрсатиб турарди. Шу боис ҳам машҳур мусобақа сўнггида 9 ёшгача бўлган болалар орасида голиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллашга мўяссар бўлди.

Умуманмоа ҳисобида биринчи ўрин Андижон шаҳар болалар ва усмирлар иждоий маркази қошидаги "Аҳмадшоҳ" карате-до спорт мактабига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Андижон тумани вакиллари қўлга киритдилар.

Ғолибларга ҳомилиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ақбаржон НАЗАРОВ,**  
Ақмалжон ИБРОҲИМОВ

Муассис:  
**ЎЗБЕКИСТОН ЎШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ**  
Ҳоми:  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«НАТВУЗО» ТАРҚАТИШ УЮМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ**

Бош муҳаррир  
**Абдуқодир НИЁЗОВ**  
Навбатчи муҳаррир: **Мухтасар ТОЖИММАТОВА**

ТАҲРИРИЯТ:  
Қабулхона — 136-56-58, 133-98-97.  
Бўлим — 136-54-64.  
Тўлов вақти — 133-79-69; икки вақтнинг биринчиси.  
Бўлим — 136-54-64; спорт, қўриқчи вақти.  
Ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, кетибят — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:  
710001 Ташкент Матбуотлар кўчаси, 33-34  
Нашр қўриқчини 64807

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Дизайн устаси: **С.ФАЙЗУЛЛАВ**